

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

И.А.Каримов



IJDIDIY PARVOZ

2014/09

O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

ҲУРМАТЛИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ТАЛАБАЛАР, ИНСТИТУТИМИЗ ХОДИМЛАРИ!



Барчамиз яқинда мустақилликнинг 23 йиллик байрамини тантанали равишда нишонладик. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги табригида “Мустақиллик, истиқлол деган улуф неъмат, аввало, халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир”, - деган сўzlари ушбу феномен ходисанинг асл моҳиятини очиб беради.

Ватан! Ушбу сўз янграши билан туйғуларимиз түғён уради. Бунинг боиси нимада? Боиси, Ватан тушунчаси кенг ва сермаънодир. Ҳар бир шахс уни ўзича тараннум ва талқин килади. Ватан ҳакида ҳар бир юрак ўзига хос куйлади.

Ватан оддий тупрок бўлмай, аждодлар хаёти кечган, уларнинг хоклари билан муқаддаслашган, халқнинг турмуш тарзи шаклланган кутлуг макондир. Бошқача айтганда, Ватан халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассамлашган юртдир. Қанчалик гўзал ва обод бўлмасин, бегона юрт Ватан бўлолмайди. Жаҳонда бир-биридан гўзал мамлакатлар ва ўлкалар кўп. Аммо инсоннинг ота-онаси ҳам, Ватани ҳам битта.

Минг шукрки бугун юртимиз, Ватанимиз озод ва обод. Биз ва бизнинг замондошларимиз аждодлар орзу қилган хурлиқ даврида яшамоқдамиз.

Йигирма уч йил тарих зарвараклари олдида кўз очиб юмгудек давр бўлса-да, лекин мана шу кисқа вақтда асрга татигулик ишлар аширилди.

Аввало, мустақиллик бу хукуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англашини бугун барча ўзбекистонлик чукур хис қилмоқда. Истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан катъи назар, барча фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили бўлиб хизмат қилаётгани маълум. Шунингдек, халқимиз ўтган даврда тури синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонаётганиларни таъкидлаш лозим.

Ҳеч шубҳаланмасдан айтиш мумкинки, истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз кайта тикланди, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даврига айланди. Мустақиллик даврида маданият ва санъат соҳасида жуда катта юксалишлар рўй берди.

Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда барча соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Айниқса, таълим соҳасидаги эришилган натижалар барчани қувонтирум оқда, бунга халқаро эксперталар тан бермоқдалар.

Бу борада Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг махсус қарори асосида ташкил этилган янги институт қисқа мuddат ичидаги ўз шакли-шамойилига эга бўлди. Юқори малакали санъат ва маданият ходимларини тайёрлашда ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларни тақомиллаштиришга эришилмоқда. Институтнинг моддий-иктисодий асоси мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, институтда мустаҳкам ижтимоий-руҳий барқарорлик муҳити шаклланмоқда. Буларнинг бари институтда барча соҳалардаги фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга, иш унуми ва сифатини яхшилашга имкон яратади.

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, талабалар, барча ходимлар! Барчангизни мустақилликнинг 23 йиллиги ҳамда “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” билан самимий табриклайман. Сизларнинг ўта мураккаб, аммо эзгу ишларингизда ютуқлар, соғлик-саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Ректор
Б. Сайфуллаев



2012 йил 4 июнда муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов халқимиз, миллатимиз тараккиётига улкан хисса кўшувчи “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги 1771-сонли Қарорга имзо чекдилар. Мазкур қарордан кўзланган мақсад Республикаимизда маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасида ги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини тақомиллаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланишдир.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти биз учун Ватан ичра Ватан, Ватанинг бир бўлаги, муқаддас гўшадир. Ушбу институтда ишлаётганимдан фаҳрланиб шуни таъкидламоқчиманки, институтда сидқидилдан хизмат килиш бу Ватанга хизмат килишдир. Шундай экан, ўтётган ҳар бир кунимизга шукrona айтиб, тинчлик ва озодликнинг қадрига этиш, Ватан мадҳини улуғлаш бурчимиздир.

Барча институт жамоасини мустақилликнинг 23 йиллик тўйи билан муборакбод этиб, “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним” шиори остида фидокорона фаолиятга чорлаб коламан.

Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ,
“Эстрада ва оммавий томошалар санъати”
кафедраси доценти в.б.

Ифтихор

Бизнинг маданий-маънавий бойлигимиз узок тарихга бориб тақалади. Уларни асраб-авайлаш, халқимизнинг бой маданий, тарихий мероси ҳамда миллӣ ва умуминсоний қадриятларини келгуси авлодларимизга етказиш, миллатнинг ким бўлгани ва ким бўлиши кераклигини қалбан ҳис қилган малакали мутахассис бўлиш учун “Кино, телевидение ва радио санъати” факультетининг “Кинотелеоператорлик” бўлимида таҳсил олиб келмоқдаман. Бизнинг институтимизда замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналари и асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг янги методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган ёшлар билим олади.

Бўлажак мутахассис сифатида келгусидаги ижодий ишларимда замон қаҳрамони мавзусини янада кенгайтириш, унинг долзарблиги, ижтимоий аҳамиятини чуқурроқ тадқиқ этиш ниятидаман. Бундан ташқари, инсонни руҳан поклайдиган, қалбини улғайтирадиган, ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини, виждонини бутун қилишга чорлайдиган ҳужжатли, бадиий кинолар яратишни ҳам мақсад қилганман.

Бу борада эса Ватанимизда санъат ва маданият соҳаси ривожи учун яратиб берилиган шароит ҳамда устозлар ўғити менга ёрдам беради.

Отажон ДОСТОНОВ,
“Кинотелеоператорлик” бўлими,
2-курс талабаси

ТАЛАБА БЎЛИШ БАХТИГА МУЯССАР БЎЛДИМ



Ҳар бир инсоннинг ҳаётида орзу-умидлари бўлади.

Уларнинг ушалишига нафакат омад, балки инсоннинг ўзи ҳам сабабчи.

Устозларимнинг “Агарда инсоннинг нияти пок бўлса, барча орзу-умидларига албатта етади”, - деган ўғитлари мени яна билим олишга чорлади. Бир неча йиллик тайёргарликдан сўнг

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг “Қўғирчоқ театр санъати” бўлимида ҳужжат топшириб, талабалик бахтига муяссар бўлдим.

Бугун қувончим чексиз, бахтили талабаман. Орзуим “Қўғирчоқ театр санъати” соҳасини устозларимдан мукаммал ўрганиб, келажакда ушбу соҳа ривожига ўз хиссамни қўшишдир.

Инсон ҳамиша ўз устида ишласа, хушмуомала, сабри бўлишга ҳаракат қилса ва доимо яхшиликка интилса, барча орзу-ниятларига, албатта, етар экан.

Жорий йилда талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлган азиз тенгдошларимни чин дилдан табриклайман!

Шаҳноза НАБИЕВА,
“Қўғирчоқ театр санъати” бўлими,
1-курс талабаси

“МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ”ДА АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ

Мана, истиқолимизни қўлга киритганимизга ҳам бу йил 23 йил тўлди. Энг улуғ, энг азиз байрам - давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллики шодиёналари барча таълим муассасалари қатори Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтидаги ҳам кўтаринки руҳда ўтказилиб, “Мустақиллик дарслари”га уланиб кетди.

“Мустақиллик дарслари” да Президентимизнинг истиқлол байрамида сўзлаган маърузаси ва қолаверса, шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд

фаолияти юксак маънавий жасорат намунаси экани ҳақида тинглаб, ана шундай зотларнинг авлоди эканлигидан калбда фахр-ифтихор туйғусини туйган бўлса, ажаб эмас.

Машғулот сўнггида устозимиз Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзидағи қўйидаги фикрларни билдирилар: “Халқимизнинг маънавиятини юқсалтириш учун амалга ошираётган ишларимиз ўз ҳосилини бермоқда ва шу фурсатдаған фойдаланниб, айтмоқчиман: бу соҳада эришган марраларимиз билан ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манаман деган давлатлардан ўзиди кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман. Бир пайт билдириган фикримни яна тақорор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган

давлатлардан ҳали орқададирмиз. Лекин биз ўз ийлимизни танладик ва бу ўйдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айти оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра, албатта, бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қарагандা, энг енгилмас куч нима? Юксак маънавияти ҳалқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай ҳалқни енгид бўладими?!“.

Тенгиз илмий салоҳияти, юксак маънавияти билан етти иқлимга донг таратган олиму фузалолар диёрига киндик қоним тўқилганига қалбимда шукроналик, кўксимда ифтихор туйғуси жўш уради. Мен ҳам аждодларимнинг муносиб авлоди бўлишга ҳаракат киласман.

Чарос ҲАМИДОВА,
“Санъатшунослик журналистикаси”
бўлими, 4-курс талабаси

МОЙ ИНСТИТУТ



Вы когда-нибудь выигрывали миллион долларов? Становились чемпионом мира по футболу? А может, и то и другое вместе? Нет? Ну, хоть что-то похожее, на десую, в вы испытывали? Потому что, в противном случае, вы не сможете представить и сотую

долю моих эмоций, которые испытывал в ту минуту, когда узнал о том, что я рекомендован в студенты в Государственный институт искусств и культуры Узбекистана.

Да, это было незабываемое ощущение, ощущение сбывающейся мечты. И вот, как все мечтатели, второго сентября рано утром, весь причесанный и приглаженный, я отправился в свой, уже родной институт. Это был мой первый день в качестве студента, и он был

удивительным, праздничным и фантастическим! В тот день, я был на седьмом небе от мысли, что все это для меня: учебный театр, мастерские, ресурсный центр, обширная библиотека, кабинеты оборудованные компьютерами и проекторами, спортзал, бассейн и многое другое. А также я был счастлив тем, что смогу перенять опыт и знания у мастеров своего дела, людей которые вырастили не одно поколение гениев нашей страны.

С того дня прошел уже месяц, за это время я узнал очень многое: начал раскрывать свои таланты, познавать профессию, углублять знания. Надеюсь, я тоже стану достойным сыном своей родины и верну сполна все то, что она в меня вложила. И для этого я не пожалею ничего: ни сил, ни труда, ни себя!

Самандар АБЗАЛОВ,
Студент 1-го курса отделения
«Театроведение»

КАСБИМ-ФАХРИМ



Ҳар бир касб эгасининг билмаган ишини беминнат ўргатадиган мураббийси, хаёт деб аталмиш сир-синоатга бой мактабнинг сабоғини англашда кўмак берувчи устози бўлади. Мен ҳам ўзига хос услуги, меҳрға тўла қалби, кўп йиллик ижодий тажрибага эга бўлган устоз, “Вокал” кафедраси мудири, профессор Шерзод Пирматов ҳақида сўз юритмоқчиман.

Ш.Пирматов бир неча йиллар давомида вокал санъатига ўз хиссасини кўшиб, юқори даражадаги ташкилотчилик қобилияти, илм ва ғайрати ила вокал таълимида сифат даражасини оширишга муваффақ бўлди. Малакали ижрочи сифатида у ўзек халқ қўшиклари, жаҳон классик операларидан арияларни моҳирона тарзда ижро этган. Ҳозирги кунда юксак тажрибасидан талабаларни ўқитиш жараёнида фойдаланиб келмоқда. Устознинг Ўзбекистон миллий радиоси “Олтин фонд”да кўплаб қўшиклари сақланиб, ҳали-ханузгача радио тўлқинларида янграб турибди.

Шу билан бирга, Ш.Пирматов 20 йил

давомида Ўзбекистон Республикасида ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон Ватаним маним” кўрик танловида раислик килиб, ёш ижодкор талантларни танлаб олишда жонбозлик килмоқда.

Шижаотли раҳбар ва моҳир педагог сифатида Ш.Пирматов илмий фаолиятлари давомида бир неча ўқув кўлланма ва дарслик яратди. “Хонандалик санъати”, “Яқаҳон қўшиқчилик”, “Вокал техникаси асослари”, “Яқаҳон хонандалик”, “Хонандалик санъати” каби 10 дан ортиқ илмий мақолалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда эса устоз институтимиздаги “Театр санъати” факультети мусиқали драма йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мураббийлик килиб келмоқда. Устознинг талабалари нафакат институт, балки республика миқёсида ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш этиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, устозим билан бир қаторда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчиларни “Устоз ва мураббийлар куни” билан чин қалдан табриклиман. Уларга битмас-туганмас кучгайрат, сихат-саломатлик, узоқ умр, ижодий парвоз, баҳт ва омад тилаб қоламан.

**Диёра ЮЛДАШЕВА,
“Вокал” кафедраси
ўқитувчиси**

“ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК” XI ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

2014 йилнинг 11-12-13 сентябрь кунлари Ёшлар ижод марказида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамкорлигига

“Таълим ва мутахassislik” XI халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмага ташриф буюрган 75000 нафардан зиёд ёшлар бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг камолоти йўлида қилинаётган кўплаб эзгу ишлар амалга оширилаётгани, бир-биридан кўркам таълим муассасалари барпо этилаётгани, таълим муассасаларида ёшларимизнинг билим олишлари учун мос шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳакида, шунингдек, ўзлари қизиқкан соҳалар бўйича батафсил маълумотларга эга бўлдилар.

Кўргазмада кўплаб корхона ва ташкилотлар, олий таълим муассасалари каторида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳам иштирок этди.

Санъат ва маданият соҳасига қизикувчи ёшларимиз институтда фаолият кўрсатаётган таълим йўналишлари ва мутахassisliklar ҳақида яқиндан таниширилди ва тавсиялар берилди.

Айниқса, кўргазманинг иш жараёнида институт талабаларидан ташкил топган “Файзинур” ансамблининг ижодий



чикишлари иштирокчilar ва хорижлик меҳмонларда катта таассусрот қолди. Бу каби кўргазмалар ёшларимизга касб танлаш учун катта имкониятлар эшигини очади десак, муболаға бўлмайди.

Кўргазма якунида иштирокчilarга маҳсус сертификатлар топширилди.

**Бахтиёр ЗАРИПОВ,
Умумий бўлим
маркетинг хизмати
катта инспектори**

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Ахборот-ресурс маркази институтнинг етакчи бўлимларидан бўлиб, ўқув-тарбиявий ва илмий-педагогик жараённи адабиёт ва ахборот билан таъминлаш учун ўз фондини бойитиш, сақлаш ва ундан китобхонлар фойдаланишини таъминлаш вазифасини бажаради.

Талабаларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, миллий онг ва ғурурни уйғотища, уларни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялашда ахборот-ресурс марказининг ўрни бекиёс.

Ахборот-ресурс марказида китобхонларга ҳам анъанавий, ҳам замонавий усулда хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Булардан тўғри ва оқилона фойдаланиш ходимлар ва китобхонларнинг ўзларига боғлиқ. Ҳозирги кунда олий маълумотли, малакали мутахассис ходимлар АРМ фондини бойитиш, институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш, кафедралар билан ҳамкорликда маданий-маърифий тадбирларни ўtkазиш билан шуғулланмоқдалар.



Ахборот-ресурс маркази жамғармасини кўпайтириш энг муҳим ишлардан биридир. Айни пайтда АРМда китоб фонди 85066 нусхани ташкил этади. АРМнинг “Электрон ахборот-ресурслар” бўлимида 6177 та электрон ресурслар мавжуд бўлиб, унда профессор-ўқитувчи ва талабалар ўқув кўлланма, дарслик,nota, бадиий адабиёт ва бошқа ресурслардан фойдаланишлари учун имкониятлар яратилган.

Тўғри, ҳозир ахборот-технологиялари асли, аммо китобнинг инсоният ҳаётида тутган ўрни ўзига хос. Унинг ўрнини ҳали замон бирор нарса боса олмаса керак. “Дунёда китобдан азиз дўст йўқдир”, деб ёзган улуғ шоир ва мутафаккир, сўз мулкининг сultonи Алишер Навоий. Бизнинг илм масканимизда янги ўқув иилида ҳам китоб билан дўст тутинган, китоб ажралмас ҳамроҳига айланган китобхонларимизнинг қўпайишини истар эдик, чунки китоб ўқиган кишининг зехни ортади, дунёқарashi кенгаяди.

1-курс талабаларини АРМ фондига, маълумотлар базаси, электрон каталогдан фойдаланиш саёҳати ташкил этилди. Ахборот-ресурс маркази талабаларнинг мустақил ва назарий билимларини мустаҳкамлашлари учун энг яхши ҳамкордир.

**Зебо АБДУҒАНИЕВА,
Ахборот-ресурс маркази
бўлими бошлиғи**

ЗАКАЛИВАНИЕ ОРГАНИЗМА

Все мы знаем, что с приходом холодов повышается вероятность простудных заболеваний. Важным фактором укрепления здоровья и увеличения работоспособности является закаливание.

Для закаливания используют воздушные, водные и солнечные процедуры. При этом необходимо знать следующие основные правила:

1. Постепенность. Начинать закаливание надо со сравнительно слабых раздражителей, постепенно повышая их силу.

2. Систематичность. Закаливание следует проводить систематически, чтобы выработался условный рефлекс. Необходимо помнить, что состояние закаленности весьма неустойчивое и довольно быстро исчезает при прекращении занятий.

3. Разнообразие средств закаливания. Для закаливания используют различные природные факторы: воздух, воду, солнце.

Закаливание должно быть общим, то есть действию холода подвергается все тело. Но если такой возможности нет, то полезно и местное закаливание отдельных участков тела.

Закаливание воздухом проводят в виде специальных процедур (воздушные ванны) или в сочетании с физическими упражнениями, прогулками. Воздушные ванны принимают в тени зеленых

насаждений, в местах, удаленных от источников загрязнения атмосферы.

Закаливание водой. Лучшее время для водных процедур утренние часы, после утренней зарядки, когда кожа равномерно согрета. Эти водные процедуры способствуют переходу организма в активное состояние и созданию бодрого настроения.

При правильном применении



закаливающих процедур вскоре отмечается улучшение общего состояния организма, прилив энергии, повышене работоспособности, бодрое настроение, улучшается сон, аппетит.

Закалийтесь смолоду!

**Дилором МАМИРОВА,
Ст. преподаватель кафедры
«Физическая культура»**

БИЗ СОФИНГАН ФИЛЬМЛАР....

Хозирда Давлат буюртмаси асосида кўплаб бадий фильмлар яратилмоқда. Лекин аксарият комедия жанрида суратга олинган фильмларнинг томошасига талаб катта ватомошабинларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Деярли бир хил мавзу, шакл-шамойилга эга, бадиият мезонларидан йирок айрим фильмлар қайси жиҳати билан ёшларнинг эътиборини жалб қилмоқда?

«Эркатой», «Тунги меҳмон», «Қора мушук»... Умуман, яқинда премьераси бўлиб ўтган айрим фильмларда хақиқий ўзбекона миллый қиёфани, миллатнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этган образларни учратиш анчайин мушкул.



Аслида томошабишини ўзининг диди, савиаси, маънавий эҳтиёжига мос фильмни танлаб, ёлғиз ўзи, баъзида эса оила даврасида кўради. Шундай экан, яратилаётган фильмлар

томошабинларга маънавий озука бериши, миллий урф-одатларимизга путур етказмаслиги лозим.

Президентимиз И.А.Каримов «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида «...миллий асарлар нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда» деб, “Тоҳир ва Зухра”, “Ўткан кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан” каби кино санъати дурданаларини алоҳида эътироф билан бежиз тилга олмаганлар.

Бой анъанавий меросга эга бўлган юртда, кўплаб тарихий, бадий асарларга манба бўла оладиган, бироқ ҳали экранлаштирилмаган мавзулар талайгина. Бундай фильмлар кўпроқ ишланса, миллий қаҳрамон образи янада бойитилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зоро, бу каби фильмлар ёшларни Ватанга бўлган меҳрини, маънавий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Камола МАҲМУДОВА,
“Кино, телевидение ва радио
режиссёрлиги” йўналиши,
2-курс талабаси**

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳририят ҳайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ
Хамдам ИСМОИЛОВ
Севара МАҲМУДОВА
Умидга ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи ва дизайнер:
Мовлуда КАРИМОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри

М.Улуғбек тумани, Ялонгоч мавзеси, 127 А уй

Тел: +99893 587 77 47

+99871 230 28 13

www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги хафтасида “NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФИ, Машъал маҳалласи, Марказ - 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг нашриёт-таҳририят бўлимида тайёрланди.

Ўлчами - А2, ҳажми - 1 босма табоқ

Нусхаси - 1000 дона.

Баҳоси келишилган нархда.

Чоп этишга 30.09.2014 да топширилди.

Ватан

Гулшона АДҲАМЖОНОВА,
“Касб таълими:
Чолғу жамоалари раҳбари”
бўлими, 3-курс талабаси

Хар боғида гуллар ўсар бир маконим бор менинг,
Қушлари хўп наво қиласар водийларим бор менинг,
Остонаси олтин каби хур тупроғим бор менинг,
Ватан! Сенми мени ҳар он, кафтларингда кўтарган?!

Мехмонлари тўла уйи хонадоним бор менинг,
Катта кичик хурмат этган, “Ассаломим” бор менинг,
Яна қанча тўйлар қилган боболарим бор менинг,
Ватан! Сенми ҳар кунинг бир тўйларингта уланган?!

Асрлардан ошиб ўтган китобларим бор менинг,
Неча йиллар улуғланган саройларим бор менинг,
Ларзаларга тушиб кетган тарихларим бор менинг,
Ватан! Сенми ўтмишингла осмонингда порлаган?!

Тилларида жаранглайди хумо кушим бор менинг,
Баландларда хилпирайди байроқларим бор менинг,
Юрт тинчлиги йўлида Юртбошим омон менинг,
Ватан! Сенми халқларингни шу кунларга етказган?!

Мана бугун катта тўйинг, Сени дилдан қутлайман,
Мустақилсан, ободсан қўриб чиндан қувнайман,
Фарзандларинг ўсмоқда хуру диёр маконда,
Ватан! Менми сени суйиб юрагимдан куйлаган?!

ҚУПЛОВ



Сардор АБДУМАННОНОВ,
“Эстрада ва оммавий
томушалар режиссёрлиги”
бўлими, 3-курс талабаси

Айни истиклол файзи уфурган бу кунларда
Мехрибон даргоҳимиз яна бағрини очди.
Талабалик баҳтига муносаб бўлғанларнинг
Кутлуғ пойқадамига анвойи гуллар соҷди.
Чарчамайди барадла кутлов айтб тилимиз,
Муборак бўлсин, дўстлар, янги ўқув йилимиз.

Юракларда ҳаяжон, сезилар ширин титроқ,
Илмга чанқоқ кўзлар, ҳаммасида иштиёқ,
Таътилда кўмсаб чунон кутлуғ масканимизни
Ўсиб яна бир ёшга қадрини билдик кўпроқ.
Яна санъат сеҳрига ошно бўлди дилимиз,
Муборак бўлсин, дўстлар, янги ўқув йилимиз.

Кимда янги режалар, кимнинг қўлида китоб,
Оқил устозлар меҳри товланар мисли офтоб,
Юртнинг бугуни ҳам биз, биз ёшлар эртаси ҳам,
Келажак бизницидир, харакат қылсан шитоб.
Ҳали алп чўққиларга етар албат кўлимиз,
Муборак бўлсин, дўстлар, янги ўқув йилимиз.

Хуснингга разм солиб, завқланади нигоҳим,
Ширин олтин давримга, ёшлигимга гувоҳим,
Сенга бўлсин бор меҳрим, севги ва садоқатим
Ватан ичра ватаним, навқирон олийгоҳим,
Гулга қўмилган ҳар ён, чаман ўнгу сўлимиз,
Муборак бўлсин, дўстлар, янги ўқув йилимиз!